



ISSN (E): 2181-4570

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ТАЪСИРИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ - ҚУВВАТЛАШ

Ядгаров Акрам Акбарович

Иқтисод фанлари номзоди, доцент

Маҳаматова Мафтуна

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Магистратура талабаси

Аннотация

Мақолада иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммолар рўй бераётган айни вақтда қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши таъсирини камайтиришда суғурта хизматларини кўрсатиш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали иқлим ўзгаришлари таъсирини бартараф этиш ва кўрилган молиявий зарарларни қоплашда айнан суғурталашнинг аҳамияти кенг ёритилган.

Асосий тушунчалар: Иқлим ўзгариши, экологик ҳафвлар, қишлоқ хўжалигини суғурталаш, суғурта мукофоти, суғурта жавобгарлиги, суғурта товони, суғурталашдаги ислохотлар.

Дунё олимларининг тадқиқотларига кўра, глобал исиш жараёни давом этар экан, ҳаво ҳарорат кўрсаткичи 2050 йилга бориб 2°C гача кўтарилиши тахмин қилинмоқда. Дарҳақиқат, глобал иқлим ўзгаришларини об-ҳаво билан боғлиқ қутилмаган табиий офатларга аниқ таъсир баҳосини аниқлаш ёки юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар бугунги кунда макроиқтисодиёт учун тизимли хавф-хатар эканлиги барчамизга маълум.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида олдиндан ҳар қандай хавф-хатарларга тайёр туришимиз ва бунинг олдини олиш борасида қуйидаги фикрларни, яъни "...қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ислоҳ қилиб, аграр соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам арзон кредитлар ажратиш йўлга қўйилади, хусусий агросаноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга





қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак” деб таъкидлаб ўтилган.

Аграр соҳа вакиллари ҳисобланган қишлоқ хўжалиги корхоналари, хусусан фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятига ҳам иқлим ўзгаришлари ўз таъсирини ўтказмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида кутилган ҳосилнинг бўлмаслиги, мамлакат аҳолиси истеъмол билан бирга барча турдаги ишлаб чиқариш корхоналарига ўз таъсирини ўтказди. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг бир меъёردа бормаслиги мамлакат аҳолисининг молиявий ҳолатига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.


Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги йирик экспорт салоҳиятига эга бўлиб, айнан юртимиз заминида етиштирилаётган органик маҳсулотлар хусусан, турли мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари жаҳон бозорларида рақобатлаша олиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Бироқ, дунё давлатлари каби иқлим ўзгаришлари бевосита бизнинг мамлакатимизга ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон ҳам хавфли деҳқончилик зонасида жойлашган, баъзи ҳолларда сув танқислиги, қурғоқчилик, сел келиши, турли зараркундалар ёки чигиртка босиши ва бошқа стихияли ҳодисаларнинг рўй бериш оқибатида катта талофатларнинг содир бўлиши қишлоқ хўжалиги фаолиятига ҳам жиддий таъсир этмай қуймайди. Қишлоқ хўжалиги табиий офатлар таъсирига узвий боғлиқ бўлиб, унинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилиши айни ҳақиқат.

Ҳар қандай шароитда ҳам бевосита қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятни суғуртавий ҳимоялаш ва молиявий қўллаб-қувватлаш ҳукуматнинг диққат марказида бўлиб келаётган стратегик масалалардан бири ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши фониде қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини суғурталаш тизимини тубдан такомиллаштириш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир. Шу нуқтаи назардан агросуғурта тизими мазкур ҳолатда турли муаммоларнинг самарали ечими сифатида майдонга чиқади.

“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг асосий мижозлари бўлиб фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан мижозларни





турли хил табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келадиган ҳолатлардан суғурта қилишда муайян ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзагросуғурта” АЖ нинг ҳудудий бўлинмалари томонидан иқлим ўзгариши билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган табиий хавф-хатарлардан қишлоқ хўжалигини суғурталаш бўйича тузилган суғурта шартномалари ҳолатини кўрадиган бўлсак, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари устунлик қилмоқда. Суғурта шартномалари тузиш бўйича энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳар, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ташкил қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида учрайдиган табиий ва стихияли хавф-хатарлар қишлоқ хўжалиги фаолиятига жиддий таъсир этиши билан бирга молиявий йўқотишларга ҳам сабаб бўлади. Айнан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашда фаолият юритиб келаётган “Ўзагросуғурта” АЖ фаолиятига таҳлилий ёндошадиган бўлсак, 2012 йилда республика миқёсида қишлоқ хўжалиги корхоналари билан турли табиий хавф-хатарлардан суғурталаш мақсадида тузилган шартномалар сони 37443 тани ташкил этган бўлса, 2021 йил якунларига кўра 405 тани ташкил этган ҳолда 2012 йилга нисбатан 37038 тага камайган.

2021 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини турли табиий хавф-хатарлардан суғурталаш жавобгарлиги ва суғурта мукофотлари тушуми ҳажмини ҳам камайганлигини кўриш мумкин. Бироқ, қишлоқ хўжалиги корхоналари зарарларини қоплаш мақсадида тўланган суғурта товони миқдори 2021 йилни тегишли 2017-2020 йиларга нисбатан солиштирганда кескин камайиш ҳолати кузатилган. 2021 йилни 2012 йилга нисбатан таққослаганда суғурта товони ҳажми 4 885,5 млн.сўмга ортганлигини кўриш мумкин. “Ўзагросуғурта” АЖ фаолиятида 2021 йилда қишлоқ хўжалигини суғурталаш ҳолатида кескин пасайиш тенденцияси кузатилган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўлаб берилган суғурта қопламалари бевосита қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кўрган молиявий зарарларини қоплаши ва уларнинг молиявий йўқотишларини олдини олишга қаратилган. Айтиш жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам суғурталанган корхоналарнинг турли табиий офатлардан кўрилган зарарини қопланиши уларнинг молиявий инқирозини олдини олади.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган табиий хавф-хатарлардан суғурталаш масалалари қаторига, “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан





қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ўз вақтида суғурта шартномаларини тузиш, иқлим ўзгаришларини ҳисобга олиб суғурталанувчилар манфаатини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш, суғурта хизматларидан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги табиий ва техноген хавф-хатарлар таъсиридаги йўқотишларнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, иқлим ўзгаришларининг таъсирини камайтириш ва қишлоқ хўжалигини суғурталаш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнини такомиллаштиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– табиий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун алоҳида янги суғурта таърифларини ишлаб чиқиш;

– иқлим ўзгариши билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган табиий хавф-хатарларни идентификациялаш асосида табиий хавфларнинг зарарини камайтириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватловчи суғурта турларини ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича янги методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.


Иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий хавф-хатарлардан қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий тадқиқотга янгича ёндошув юқорида келтирилган таклифлардан ташқари ҳар бир суғурталанувчиларнинг стратегик фаолиятини таъминлаш ва уларнинг молиявий жиҳатдан барқарор ривожланиш таъминланиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.

2. A.Yadgarov. International insurance market and experience of foreign countries in agricultural insurance. Economics and Innovative Technologies. Vol. 2020> No. 2 (2020). <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/>

3. A.Yadgarov. (2020). AgroInsurance-As A Mitigating Financial Lever For Climate Change In Agriculture. International Journal of Advanced Science and





Technology, 29(7), 2251 - 2258.
<http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/17501>

4. A.Yadgarov. Issues of food safety on the basis of agricultural insurance. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering ISSN: 2689-1018. JULY 2020. Page No.: 43-52 Volume-II Issue-VII PUBLISHED: 30 JULY 2020.
<https://usajournalshub.com/index.php/tajabe/article/view/576/539>

5. A.Yadgarov. The importance of using the agricultural insurance system in increasing the volume of agricultural production in pandemic conditions. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR) ISSN: 2319-1422 Vol.9, July 2020, Impact Factor: SJIF 2020 = 7.126. 31-37 page. <https://saarj.com/wp-content/uploads/sjbir-july-2020-full-journal>

6. Saidova, M., Yadgarov, A., Kodirova, D., Turdialiev, J., Embergenova, G. Econometric analysis of the influence of climate characteristics on the ecological condition of soils and the productivity of agricultural crops. E3S Web of Conferences, 2023,377,03017. https://www.e3s-conferences.org/articles/e3sconf/abs/2023/14/e3sconf_icecae2022_03017/e3sconf_icecae2022_03017.html

7.

